учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

359 Хоразм вилояти истеъмолчиларини ёкилги-энергетика ресурслари билан таъминлашга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида

Хоразм вилояти ташкилотлари ва ахолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш тизимини такомиллаштириш хамда кейинчалик уни республиканинг бошқа худудларида жорий этиш, табиий газдан оқилона ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, истеъмол қилинаётган энергетика ресурслари таркибини истеъмолчиларни кумирдан (брикетланган кумирдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга утказиш хисобига янада диверсификациялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбеккумир» очиқ акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қумитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигининг:

Хоразм вилоятининг чакана ва улгуржи табиий газ истеъмолчиларининг бир қисмини 2013 йил охиригача, қаттиқ ёқилғи буғқозон агрегатларини ва тегишли газ приборларини ўрнатган ҳолда, кўмирдан (брикетланган кўмирдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш;

«Хоразм кумир етказувчи» унитар корхонасининг кумирни (брикетланган кумирни) аник манзилли етказиб бериш буйича 6 та филиалларини (кейинги уринларда филиаллар деб аталади), шунингдек Хоразм вилоятидаги «Шимолгазтаъминот» унитар корхонасининг маиший газ баллонларига газ тулдириш буйича 1 та газ тулдириш станциясини, 3 та газ тулдириш пунктларини ва маиший газ баллонларида суюлтирилган газни реализация килиш буйича 6 та туман сервис пунктларини (кейинги уринларда пунктлар деб аталади) 1 ва 2-иловаларга* мувофик руйхатлар буйича кушимча равишда ташкил этиш;

Хоразм вилояти, Урганч шахри, Саноатчилар кучаси манзилида жойлашган бинолар ва иншоотларни (Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг «Шовот-Куловот» ирригация тизими бошқармасининг буш турган гаражи ва омборхоналарини) брикетланган кумир ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш учун, мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган қийма-



^{* 1-2-}иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ти буйича, давлат улушини купайтириш хисобига «Узбеккумир» очиқ акциядорлик жамияти устав фондига бериш турисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қуйилсинки, табиий ва суюлтирилган газни, шунингдек кумирни (брикетланган кумирни) истеъмолчиларга узлуксиз ва кафолатли етказиб бериш тегишли равишда:

табиий газни (газ қувурлари орқали) Хоразм вилоятининг 3-иловага* мувофиқ руйхат буйича ахоли пунктларига етказиб бериш — «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси томонидан;

охирги истеъмолчиларгача етказиб бериш шарти билан маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газни Хоразм вилоятининг 4-иловага* мувофик руйхат буйича ахоли пунктларига етказиб бериш — «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан, кумирни (брикетланган кумирни) етказиб бериш — «Ўзбеккумир» очиқ акциядорлик жамияти томонидан таъминланади.

Курсатиб утилган ташкилотларнинг рахбарлари Хоразм вилояти истеъмолчиларига энергия ресурсларини етказиб беришдаги узилишлар учун шахсан жавобгар эканликлари тургисида огохлантирилсин.

3. Белгилансинки:

«Халқ банки» ДАТБнинг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси буюртманомалари буйича ажратиладиган, 5-иловага** мувофик прогноз жадвали буйича қайтариладиган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси буйича 11,7 млрд сум микдоридаги кредит маблағлари — филиалларни ташкил этиш ишларини, шу жумладан зарур қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, замонавий транспорт воситалари, юклаш-тушириш машиналари, технологик, ахборот-коммуникация ускуналари сотиб олишни молиялаштириш;

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг 14,1 млрд сўм микдоридаги ўз ва жалб этилган маблаглари — пунктларни ташкил этиш ишларини молиялаштириш манбалари хисобланади.

4. Хоразм вилояти истеъмолчиларини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлашга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси 6-иловага мувофик тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар, хужалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар рахбарлари ва Хоразм вилояти хокими зиммасига биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларнинг тулиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

- 5. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти:
 - «Узбекистон темир йўллари» компанияси билан биргаликда тўгри-



^{* 3-4-}иловалар рус тилидаги матнда берилган.

^{** 5-}илова берилмайди.

359-модда

дан-тўгри шартномага биноан, ҳар йили тасдиқланадиган жадвал бўйича камида 100,0 минг тонна ҳажмида кўмир етказиб берилишини;

Хоразм вилояти хокимлиги билан биргаликда — Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги «Шовот-Куловот» ирригация тизими бошқармасининг «Ўзбеккумир» очиқ акциядорлик жамиятига берилаётган буш турган гаражи ва омборхоналари негизида йилига камида 100,0 минг тонна брикетланган кумир ишлаб чиқариш қувватига эга булган корхонанинг 2013 йил 1 августгача булган муддатда ишга туширилишини таъминласинлар.

6. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси:

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда — тўгридан-тўгри шартномалар бўйича суюлтирилган газнинг 2013 йилда 8,0 минг тонна хажмида ва кейинги йилларда хар йили тасдикланадиган жадвал бўйича камида 16,0 минг тонна хажмида узлуксиз етказиб берилишини;

Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда — 2013 йил 1 ноябргача бÿлган муддатда, Хоразм газ тÿлдириш станциясини кенгайтириш ва йилига 15,0 мингта маиший газ баллонлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш йÿли билан үнинг қуввати кÿпайтирилишини;

Хоразм вилояти истеъмолчиларига энергия ресурслари етказиб беришга жалб этилган «Хоразм кумир етказувчи» ва «Шимолгазтаъминот» унитар корхоналари эхтиёжлари учун ёнилги-мойлаш материллари узлуксиз етказиб берилишини таъминласин.

7. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси «Ўзбеккумир» очиқ акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзавтосаноат-лизинг» масъулияти чекланган жамияти орқали 2013 йил 1 сентябргача булган муддатда лизинг асосида:

«Хоразм кумир етказиб берувчи» унитар корхонасига — кумир (брикетланган кумир) ташиш учун «ISUZU» русумли 22 та ва «МАN» русумли 6 та юк автомобиллари;

«Шимолгазтаъминот» унитар корхонасига — маиший газ баллонларидаги газни ташиш учун «ISUZU» русумли 33 та ихтисослаштирилган юк автомобиллари етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилишини ва уларнинг етказиб берилишини таъминласин.

- 8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат рақобат қумитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли филиаллар ва пунктлар орқали сотиладиган брикетланган кумир ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газнинг барча истеъмолчилар учун ягона чакана нархини шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.
 - 9. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қумитаси:

мустақил бахолаш ташкилоти томонидан аниқланган қийматнинг 80 фоизи микдоридаги дисконт билан, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг давлат мулкида бўлган акцияларини «Халқ банки» ДАТБнинг жалб этилаётган кредитлари бўйича гаров билан таъминоти берсин;



28 (580)-сон — 9 — 359-модда

филиаллар ва пунктлар орқали сотиладиган кумир (брикетланган кумир) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газ хажмлари ва нархлари юзасидан назорат ва мониторингни белгиланган тартибда амалга оширсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Г.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 5 июль, 193-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 июлдаги 193-сон қарорига 6-ИЛОВА

Хоразм вилояти истеъмолчиларини ёкилги-энергетика ресурслари билан баркарор таъминлашга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар РЕЖАСИ

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	
	Ташкилий тадбирлар			
1.	Қаттиқ ёқилғи буғқозон агрегатларини ва тегишли газ приборларини ўрнатган ҳолда чакана ва улгуржи истеъмолчиларнинг бир ҳисмини кўмирдан (брикетланган кўмирдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш жадвалини ишлаб чиҳиш ва тасдиҳлаш.	2013 йил 1 августгача	«Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, Хоразм вилояти хокимлиги	
2.	Истеъмолчиларни жадвалга мувофик табиий газ ўрнига қаттик ёкилғи буғқозон агрегатларини ва тегишли газ приборларини ўрнатган қолда кўмирдан (брикетланган кўмирдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш тўгрисида ёзма равишда хабардор қилиш.		«Ўзтрансгаз» АК, Хоразм вилояти ҳокимлиги	
3.	Хоразм вилоятида «он-лайн» орқали қабул қилинган буюртманомалар буйича охирги истеъмолчиларга етказиб бериш йули билан кумирни (брикетланган кумирни) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газни сотишнинг янги тизимини кенг тушунтиришга доир тадбирлар комплексини амалга ошириш.	доимо	МТРК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзтрансгаз» АК, Хоразм вилояти ҳокимлиги, «Маҳалла» фонди	
4.	Кўмирдан (брикетланган кўмирдан) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг, келгусида фойдаланиладиган, қайта ускуналанадиган ёки алмаштириладиган буғқозон ва печь ускуналари рўйхатини аниклаш.	2013 йил 1 августгача	«Ўзтрансгаз» АК, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, Хоразм вилояти хокимлиги	
5.	Хулосага мувофиқ буғқозон агрегатларини қайта ускуналаш ва кейинчалик кўрсатиб ўтилган ишларни молиялаштириш назарда тутилган ижтимоий	2013 йил 10 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрта махсус,	



2013 ŭ.

T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
	соҳа ва бюджет ташкилотлари объектларини балансида сақловчилар томонидан тегишли материаллар ва ҳисоб-китобларни тайёрлаш.		касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, юқори ташкилотлар — балансида сақловчилар, Хоразм вилояти ҳокимлиги
	Брикетланган кўмирни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уз	злуксиз етказиб	бериш тадбирлари
6.	Хоразм вилояти, Урганч шахри, Саноатчилар кўчаси манзилида жойлашган бинолар ва иншоотларни (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Шовот-Куловот» ирригация тизими бошқармасининг бўш турган гаражи ва омборхоналарини) брикетланган кўмир ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш учун, мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланадиган қиймати бўйича, давлат улушини кўпайтириш ҳисобига «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти устав фондига бериш.	2013 йил 20 июлгача	Давлат рақобат қўмитаси, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, Хоразм вилояти ҳокимлиги
7.	«Хоразм кўмир етказувчи» УКга берилган бинолар ва иншоотларни таъмирлаш-қуриш ишларини, брикетланган кўмир ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш.	2013 йил 15 июлгача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, Хоразм вилояти хокимлиги
8.	Брикетланган кўмир ишлаб чиқариш бўйича ускуналарни монтаж қилиш ва созлаш.	2013 йил 25 июлгача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, Хоразм вилояти хокимлиги
9.	Брикетланган кўмир ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаш.	2013 йил 1 августгача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, Хоразм вилояти хокимлиги
10.	«Хоразм кўмир етказувчи» УКнинг кўмирни аниқ манзил бўйича етказиб берадиган қўшимча 6 та филиалини ташкил этиш.	2013 йил 1 августгача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, Хоразм вилояти хокимлиги
11.	«Хоразм кўмир етказувчи» УК филиалларини ташкил этиш, зарур курилишмонтаж ишларини амалга ошириш, замонавий транспорт, юклаш-тушириш машиналарини, технологик ускуналарни сотиб олиш ва куйидагиларни дастурий таъминлаш учун 11,7 млрд сўм микдорида кредит маблағлари ажратиш:		



T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар	
	мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан аниқланган қийматнинг 80 фоизи миқдоридаги дисконт билан, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг давлат мулкида бўлган акцияларини гаров таъминотига бериш;	2013 йил 15 июлгача	Давлат рақобат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Халқ банки» ДАТБ	
	ажратилган кредит маблағлари бўйича молиялаштиришни очиш.	2013 йил 20 июлгача	«Халқ банки» ДАТБ, «Ўзбеккўмир» ОАЖ	
12.	Кўмирни (брикетланган кўмирни) ташиш учун «Хоразм кўмир етказувчи» УКга «ISUZU» русумли 22 та ва «МАN» русумли 6 та ихтисослаштирилган юк автомобилларини «Ўзавтосаноат-лизинг» МЧЖ орқали лизинг асосида етказиб бериш юзасидан шартнома тузиш ва уларни етказиб бериш.	2013 йил 1 сентябргача	«Ўзавтосаноат» АК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ	
13.	12 та фронтал юклагичлар сотиб олиш юзасидан импорт контракти тузиш ва уларни сотиб олиш.	2013 йил 1 сентябргача	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбеккўмир» ОАЖ	
14.	Кўмирни аниқ манзил бўйича етказиб бериш филиалларини «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг ўз ва жалб этилган маблағлари ҳисобига қўриқлаш, ёнғинга қарши хавфсизлик, алоқа, сигнализация, электрлаштириш воситалари, самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган бошқа техника билан жиҳозлаш, шунингдек штатдаги ходимлар билан таъминлаш.	2013 йил 1 сентябргача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК	
	Газ баллонлари ишлаб чиқариш ва суюлтирилган газ етказиб беришни ташкил этиш тадбирлари			
15.	«Ўзтрансгаз» АКнинг «Жанубийгазқурилиш» ОАЖ негизида йилига 15,0 мингта маиший газ баллонлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	2013 йил 1 ноябргача	«Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзтрансгаз» АК, Хоразм вилояти ҳокимлиги	
	14,1 млрд сўм микдоридаги жалб этилган маблағлари хисобига:			
16.	маиший газ баллонларини тўлдириш бўйича 1 та газ тўлдириш станцияси ва 3 та газ тўлдириш пунктлари;	2013 йил 1 ноябргача	«Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзтрансгаз» АК, Хоразм вилояти ҳокимлиги	
	«Шимолгазтаъминот» УКнинг маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газни сотиш буйича 6 та туман сервис пунктларини ташкил этиш.	2013 йил 1 августгача		



T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
17.	Маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газни ташиш учун «Шимол- газтаъминот» УКга «ISUZU» русумли 33 та ихтисослаштирилган юк авто- мобилларини «Ўзавтосаноат-лизинг» МЧЖ орқали лизинг асосида етказиб бериш юзасидан шартнома тузиш ва уларни етказиб бериш.	2013 йил 1 сентябргача	«Ўзавтосаноат» АК, «Ўзтрансгаз» АК, «Шимолгазтаъминот» УК
18.	«Ўзтрансгаз» АКнинг ўз ва жалб этилган маблағлари ҳисобига маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газни сотиш бўйича туман сервис марказларини қўриқлаш, ёнғинга қарши хавфсизлик, алоқа, сигнализация, электрлаштириш воситалари, самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган бошқа техника воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек штатдаги ходимлар билан таъминлаш.	2013 йил 1 августгача	«Ўзтрансгаз» АК, «Шимолгазтаъминот» УК
Хом ашё билан таъминлаш тадбирлари			
19.	Тўгридан-тўгри шартнома бўйича ҳар йили 103,5 минг тонна ҳажмида кўмир етказиб беришни амалга ошириш.	жадвалга мувофик	«Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК
20.	Тўгридан-тўгри шартномалар бўйича ҳар йили 16,8 минг тонна суюлтирилган газни узлуксиз етказиб беришни амалга ошириш.	жадвалга мувофиқ	«Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК
21.	Хоразм вилояти истеъмолчиларига энергия ресурслари етказиб беришга жалб этилган «Хоразм кўмир етказувчи» УК ва «Шимолгазтаъминот» УКга ёнилғи-мойлаш материалларининг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш.	доимо	«Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, «Шимолгазтаъминот» УК
	Логистика тизимини ташкил этиш та	ідбирлари	
22.	Истеъмолчининг ахборот паспортини шакллантирган холда кўмирга (бри- кетланган кўмирга) ва суюлтирилган газга эхтиёжманд бўлган хар бир уйни хатловдан ўтказишни амалга оширувчи махсус гурухлар ташкил этиш.	2013 йил 15 июлгача	«Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, «Шимолгазтаъминот» УК, Хоразм вилояти ҳокимлиги
23.	Хар бир истеъмолчига шахсий абонент хисоб рақами берган холда маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш.	2013 йил 15 августгача	«Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Хоразм кўмир етказувчи» УК,



T/p	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
			«Шимолгазтаъминот» УК,
24.	«Хоразм кўмир етказувчи» УК ва «Шимолгазтаъминот» УК хузурида «Ўзбеккўмир» ОАЖ ва «Ўзтрансгаз» АКнинг ўз ва жалб этилган маблағлари хисобига кўмирга ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газга буюртма бериш бўйича интерактив хизматлар кўрсатадиган «он-лайн» тизимига эга бўлган саll-марказлар ташкил этиш.	2013 йил 1 августгача	Хоразм вилояти ҳокимлиги Давлат алоқа қумитаси, «Узбеккумир» ОАЖ, «Узтрансгаз» АК, «Хоразм кумир етказувчи» УК, «Шимолгазтаъминот» УК
25.	Кўмир (брикетланган кўмир) ва суюлтирилган газ етказиб бериш юзасидан намунавий шартномани (электрон шартномани) ишлаб чиқиш.	2013 йил 1 августгача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзтрансгаз» АК, Давлат рақобат қўмитаси, Адлия вазирлиги
26.	«Хоразм кўмир етказувчи» ва «Шимолгазтаъминот» УКларининг истеъмолчиларга интерактив хизмат кўрсатиш бўйича ўз шахсий веб-сайтларини ташкил этиш.	2013 йил 1 августгача	Давлат алоқа қўмитаси, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзтрансгаз» АК
27.	«Ўзбеккўмир» ОАЖ ва «Ўзтрансгаз» АКнинг жалб этилган ўз маблағлари ҳисобига call-марказларни дастурий ахборот таъминоти ва зарур коммуникация ускуналари билан жиҳозлаш.	2013 йил 15 августгача	Давлат алоқа қўмитаси, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзтрансгаз» АК
28.	Ахборот тизимини call-марказ, SMS ва Интернет орқали буюртманомаларни рўйхатдан ўтказиш бўйича сервис, шунингдек пластик карточкалар ёки Paynet орқали тўловлар тизими билан интеграциялаш.	2013 йил 25 сентябргача	Давлат алоқа қўмитаси, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзтрансгаз» АК, «Халқ банки» ДАТБ
29.	Кўмирни (брикетланган кўмирни) ва маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газни ҳар ҳафтада камида бир марта охирги истеъмолчиларгача етказиб бериш бўйича истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш жадвалларини тасдиҳлаш.	2013 йил 1 сентябргача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзтрансгаз» АК, Хоразм вилояти хокимлиги
30.	GPRS — қабул қилувчилар ўрнатиш ва улар орқали юк ташиш машиналари йўналишларини кузатиш.	2013 йил 1 сентябргача	«Ўзбеккўмир» ОАЖ, «Ўзтрансгаз» АК, «Хоразм кўмир етказувчи» УК, «Шимолгазтаъминот» УК

